
"Оналарга эҳтиром"...

Фарғона вилояти ҳокими ташаббуси билан онларни эъзозлаш, ёш авлод ўртасида энг муқаддас зот ҳисобланган онажонларгага ҳурмат кўрсатиш мақсадида “Оналарга эҳтиром” номли фестиваль ташкил этилмоқда. Фестиваль доирасида ташкилотларда узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозирги кунда кексалик нафақасида бўлган оналарни ҳолидан хабар олиш, уларни меҳнат жамоаларига таклиф қилган ҳолда “Оналарга эҳтиром” номли маънавий-марифий тадбирлар ташкиллаш белгиланган. Шундан тадбир Риштон туман мактабгача таълим бўлими томонидан тумандаги 10-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ташкил этилди. Тадбирга тумандаги мактабгача таълим ташкилотларида узоқ йиллар фаолият олиб бориб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган 48 нафар онахонлар таклиф этилди. Тадбирни мактабгача таълим бўлими мудири М.Дадажонова очиб, йиғилганларни байрам билан табриклади. Сўзга чиққан онахонлар бугунги кун билан тизимдаги аввалги ҳолатларни солиштириб, шукроналик айтдилар. Тадбирга йиғилганлар эътибор туфайли тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирдилар.

Риштон туман МТБ матбуот хизмати

2021-05-21 05:48:12